INV.№

Ушбу сонда:

2 Фаолиятимиз асоси

3 «Уйимни акам сотди...»

4 РАҲБАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛСАМ...

Икки шоҳ маликаси

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

№ 21 (528) 2007 йил 29 май сешанба

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

MEZON:

Биз қонун устуворлигига эришгандагина ўзимиз учун мақсад қилиб қўйган адолатли, эркин жамият, фаровон ҳаёт барпо этишимиз мумкин...

Ислом КАРИМОВ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бир гуруҳ депутатлар томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида, "Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 49-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳаси киритилган эди. Қонунчилик палатаси ҳамда Сенатда ўтган қизғин муҳокамалардан сўнг қабул қилинган ва маъқулланган мазкур қонун 2007 йилнинг 7 апрелида матбуотда эълон қилинди.

Qonunning mohiyati

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий ислоҳотлар жараёнида оилани мустаҳкамлаш, ёш авлодни жисмонан соғлом ва маънан баркамол қилиб тарбиялаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, **"Шарқда қадим-қадимдан оила муқаддас Ватан саналган. Агар оила соғлом ва мустаҳкам бўлса, маҳаллада тинчлик ва ҳамжиҳатликка эришилади. Бинобарин, маҳалла-юрт мустаҳкам бўлсагина, давлатда осойишталик ва барқарорлик ҳукм суради. Зеро, оила фаровонлиги — миллий фаровонлик асосидир".**

Дарҳақиқат, оиланинг мустаҳкамлиги, турмушнинг соғломлиги жамият ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Мамлакатимизда тузилаётган ҳар бир никоҳ ихтиёрийликка, тарафларнинг никоҳ ёшига етганига, никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлардан холилигига асосланади. Агарда никоҳ тузиш ихтиёрий бўлмаган бўлса (Оила кодексининг 14-моддаси), белгиланган ёшга тўлмаган шахслар ўртасида никоҳ тузилган (15-модда), никоҳ тузишга монелик қиладиган ҳолатлар бўла туриб никоҳ тузилган (16-модда), никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги синдроми (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган (17-модданинг 3-қисми), шунингдек, никоҳ сохта тузилган, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай, никоҳ тузган бўлса, бундай никоҳ Оила кодексининг 49-моддасига мувофиқ ҳақиқий эмас, деб топилади.

2002 йил 13 декабрдаги **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қонунга мувофиқ, Оила кодексининг 17-моддаси янги таҳрирда қабул қилинди. Яъни ушбу модданинг учинчи қисмида белгиланганидек, башарти никоҳланувчилардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги синдроми (ОИТС инфекцияси) борлигини бошқасидан яширган бўлса, бу шахс никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишни талаб қилиб суда мурожаат этиши мумкинлиги ҳақидаги норма чиқариб ташланди. Оила кодексининг 49-моддасида эса, ушбу кодекс 17-моддасининг учинчи қисмида ҳавола этилган норма сақланиб қолинган эди. Бу қонунчилик техникаси қоидаларига зид ҳисобланади. Ушбу моддадаги номувофиқлик судлар томонидан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ҳақидаги ишларни кўришда бир қанча муаммоларга сабаб бўлаётган эди.

Таъкидлаш жоизки, никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишнинг ҳуқуқий оқибатлари никоҳдан ажратишнинг ҳуқуқий оқибатларидан жиддий фарқ қилади. ***Ҳақиқий эмас деб топилган никоҳ*** эр-хотин учун Оила кодексида белгиланган шахсий ва мулкий ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларни юзага келтирмайди. Никоҳи ҳақиқий эмас, деб топилган шахсларнинг мулкий-ҳуқуқий муносабатлари Фуқаролик кодекси билан тартибга солинади (Оила кодексининг 56-моддаси).

Никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилганда жавобгар тараф алданган тарафга никоҳ тузишда олинган нарсаларини қайтариб беришга, олинган нарсани асл ҳолида қайтаришнинг иложи бўлмаганида эса, унинг қийматини пул билан тўлашга, шунингдек, унинг қилган барча харажатларини тўлашга мажбур бўлади (Фуқаролик кодексининг 123- моддаси).

Никоҳдан ажратишда эса, алданган тараф бундай ҳуқуққа эга бўлмайди. Чунки судда никоҳдан ажратиш тўғрисидаги иш кўриб чиқилаётганида тўйни ўтказишга кетган барча сарф-харажатларни ундириш ҳақидаги талаблар қаноатлантирилмайди (Оила кодексининг 44-моддаси ва Олий Суд Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги 22-сонли қарорининг 25-банди).

Суднинг ҳал қилув қарорига кўра, никоҳ ҳақиқий эмас, деб топилганда никоҳ тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади (Оила кодексининг 55-моддаси). Никоҳ суд тартибида ажратилганда суднинг ҳал қилув қарори қонуний кучга кирган вақтдан бошлаб, никоҳ тугатилган, деб ҳисобланади (Оила кодексининг 47-моддаси).

Никоҳдан ажратиш ишларини кўришда суд эр-хотинни яраштириш ва оиладаги вазиятни соғломлаштириш чораларини кўриш мақсадида ярашиш учун олти ойгача муҳлат тайинлаши мумкин (Оила кодексининг 40-моддаси). Суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топишга доир ишларни кўришда эса, эр-хотинга ярашиш учун муҳлат тайинланмайди.

Амалдаги Оила кодексининг 17-моддаси ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сонли қарорида никоҳланувчилар тиббий кўрикдан ўтишлари мажбурийлиги ва тартиби белгиланган.

(Давоми иккинчи бетда)

1 ИЮНЬ — ХАЛҚАРО БОЛАЛАРНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ КУНИ

Озодлик фарзанди

Болажоним,
осмонга қара,
Осмон Сенинг кўзинг
каби кенг.
Болам, Сендай тоза,
бокира
Осмон Сенинг ёшинг
билан тенг.

Болажоним, осмонга
қара —
Бизнинг борур
йўлимиз ўша.
Менинг қўлим
калталик қилса,
Сен осмонни
қучоқлаб яша!

2-бет

ПРОТЕСТ КЕЛТИРИЛДИ

Тошкент вилоят прокуратураси томонидан фуқаро Ж.Чилимбетовнинг газета таҳририятига йўллаган шикоят хати ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, Фуқаролик ишлари бўйича Чирчиқ туманлараро судининг 2001 йил 31 январдаги ажрими билан даъвогар Ж.Чилимбетовнинг васиятномани ҳақиқий, деб топиш ҳақидаги даъвоси рад этилган.

Шу суднинг 2005 йил 15 декабрдаги ва 2006 йил 7 июлдаги ажримига кўра, тарафлар суд мажлисига келмаганлиги асос қилиб кўрсатилиб, даъво қолдирилган.

Фуқаролик иши юзасидан қабул қилинган суд ҳужжатларининг қонунийлигини ўрганиш натижасига кўра, 2007 йил 12 апрель куни кассация тартибида протест келтириш муддатини тиклаш ва суд ҳужжатларини бекор қилиб, ишни янгитдан кўришга юбориш ҳақида Фуқаролик ишлари бўйича Тошкент вилоят судининг кассация судлов ҳайъатига хусусий протест келтирилди ва бу ҳақда муаллифга маълум қилинди.

Б.ХЎЖАЕВ,
Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

ЖИНОЯТ ИШИ ҚЎЗҒАТИЛДИ

Жарқўрғон туман прокуратураси томонидан фуқаро Г.Ортиқованинг таҳририят номига собиқ турмуш ўртоғи Б.Эшимов томонидан 2 нафар фарзанди таъминоти учун алимент пуллари тўлаб берилмаётганлиги хусусида ёзган аризаси ўрганилди.

Текшириш натижасига кўра, 2007 йил 19 март куни Эшимов Бахтиёрга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди ва дастлабки тергов ҳаракатларини ўтказиш учун туман ички ишлар бўлимига юборилди.

И. ХОЛДАНОВ,
Жарқўрғон туман прокурори вазифасини бажарувчи

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Қашқадарё вилоят прокуратураси томонидан Чироқчи тумани Гулистон қишлоғида яшовчи фуқаро Ҳ.Бойқувватованинг шикоят аризаси ўрганиб чиқилди.

Аниқланишича, фуқаро Ҳ.Бойқувватованинг вояга етмаган уч нафар фарзанди учун тайинланган 17,3 минг сўм миқдордаги нафақа АТ Халқ банки хазиначиси Т.Тангиров томонидан талон-тарож қилинган. Натижада, Ҳ.Бойқувватова 2006 йил ноябрь ойида фарзандлари учун нафақа ололмаган.

Ушбу ҳолат юзасидан Т.Тангировга нисбатан МЖтКнинг 61-моддаси билан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилиб, ҳужжатлар судга юборилди.

Шунингдек, прокуратуранинг аралашуви билан фуқаро Ҳ.Бойқувватовага 17,3 минг сўм нафақа пуллари ундириб берилди.

А.ЖЎРАЛОВ,
Вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари

Менинг бир танишим бор. Содиқбой ака. Наманган вилояти Уйчи туманида яшайди. Боғбон. Ернинг юрагига қулоқ тутган одам.

Muharrir mavzusi

ҚИЗҒАЛДОҚЛАР ҚОРДА ҚОЛМАЙДИ

Ҳовлисида йўқ ниҳолнинг ўзи йўқ. Сиз билан биз номини эшитмаган дарахтлар шох ташлаган боғи — мўъжиза! Содиқбой аканинг томорқасида ҳаттоки, Канада ёнғоғи ҳам бор.

Совуқ кунлар эди. Водийга йўлим тушиб, боғбонни йўқладим. У киши боғдаги навниҳолларни совуқ урмасин, деб елим матолар, қалин ёпинғичлар билан ўраб чиқаяпти — кўчатларни «кийинтираяпти» экан.

— Ука, кўчатларни совуқ уриши мумкин, мўрт ниҳоллар аёзга бечидам бўлади. Кўчатни ҳам ўз фарзандингиздай авайлаб-асрамасангиз ундан эртага ҳосил ололмайсиз, совуқ урган кўчат қачон барг ёзиб, қулф уриб, мева берганини кўргансиз, — деди.

Ишонасизми, ҳангу манг бўлиб қолдим. Бу одамнинг шу гапидан сўнг хаёлимга бир фикр чақмоқдай урилди. Дарвоқе, ниҳолни халқимиз фарзандга, болага менгзайди-ку. Фарзандни ҳам ёшлигида тўғри парваришламасак, тўғри ўстириб, тўғри йўл кўрсатмасак, кейинчалик нотўғри йўлга тушиб, эгри ўсмайдими? Бу ҳам майли, бор гап, лекин Содиқбой аканинг ўз уйидаги кўчатларни совуқдан, аёздан, қаҳратон қаҳридан, бўрону довуллардан тўсаяпман, аёз хуружидан асраяпман, деган гапи замиридан мен бугунги фарзандларимиз онгу шуури, тафаккури, қалбини ташқи мафкуравий хуружларнинг бўронлари ларзага солмаяптими, бизга ёт бўлган тарғиботу ташвиқотлар, ахборот хуружларининг довуллари, бир сўз билан айтганда, мафкура қуроллари уларни нишонга олмаяптими, деган ўйга келдим. Бугун фарзандларимизни ҳам ана шундай мафкура бўронларидан худди кўчатларни аёздан қутқазган каби асраб қолишимиз энг муҳим масалалардан бири бўлиб турибди.

Ҳар бир миллатнинг келажаги, ҳар бир юртнинг куч-қудрати, тараққиёти ёш авлод тарбиясига боғлиқ. Ёшларимизга истиқлол дунёнинг барча имконият эшикларини очганига ҳеч ким шубҳа қилмайди. Кўриб, билиб, ҳис қилиб турибмиз. Фарзандларимизнинг илм-фан, адабиёт-санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги жаҳоний ютуқлари бани башарни ҳайратга солаяпти. Ўзбекистон тасодифий истеъдодлар эмас, балки томирида буюкликнинг қони оққан, ҳудонинг назари тушган соҳиби иқтидорларнинг юрти эканлигини бугун дунё билаяпти, тан олаяпти. Демак, Ўзбекистон фарзандларининг ботинида етилган буюклик даъвосининг юзага чиқиши, ҳаётийликка йўғрилишида **мустақиллик** айни муддао бўлди.

Бироқ бугун дунё ўзгарган. Ҳаёт бошқача. Давр шиддат билан ўтаяпти. Дунёни «забт» этишнинг йўли — мафкура қуролини ишга солиш, деб билган айрим сиёсий ташқи кучлар узоқ стратегик мақсадларни кўзда тутганлигига ишонч ҳосил қиламиз. Тўғри, бу қурол муҳим стратегик объектларга, аэродрому базаларга эмас, болалар боғчалари, мактаблар, бошқа ўқув муассасалари, маҳалла-ю гузарларга қаратилади — ёш авлодни йўлдан уришга чоғланади. Энг аввало, бу қурол билан «ўз демократиясини» тарғиб этган жаноблар, мўлжалга олинган юртларни «сизлар ҳам биздай яшанглар, фикрланглар, бизнинг удумларимизни қабул қилинглар, ўзларингга хос урф-одатларни унутинглар, ўзликдан мосуво бўлинглар, дунёда фақат бизнинг мафкурамиз ҳукмронлик қилиши керак, деб жар соладилар. Даҳшат-а. Бир миллатни ўзлигидан айиришга уринмоқни нима деб изоҳламоқ мумкин?..

Қисқаси, мафкура қуролига мана шундай тушунчалар ўқ қилиб сингдириб юборилади. Биз буни сезиб, кўриб турибмиз. Марҳамат, вестернизация маҳсули бўлган турли хил «санъат» намуналари, парнофильмлар, ёвузфильмлар, отув-ўлдирув, фаҳш ва жиноят урчиган киноларни турли хил воситалар орқали тарқатилаётгани замирида нима ётибди, деб ўйлайсиз? Биз сизларни шундай турмуш тарзига, шундай муҳитга кўниктириб боришимиз керак, сизни ўзлигингизга эмас, ўзимизга қаратишимиз керак, деган ғоя ётибди.

Хуллас, дунё сиёсати саҳнидаги алғов-далғовларда бугун мушт, дўқ-пўписа эмас, балки мафкура қуроли устунлик қилаётгани сир бўлмай қолди. Ана шундай таҳликали бир даврда биз, бутун Ўзбекистон аҳли мафкура қуроли ҳамласидан ўзимизни, ёш авлод — келажагимизни асраб қолишимиз керак. Президентимиз айтганлари каби **«Ҳозирги замондаги энг катта хавф — инсонларнинг қалби ва онгини эгаллаш учун узлуксиз давом этадиган мафкуравий курашдир».**

... Ушбу мақолани ёзишимга уйчилик Содиқбой ака билан бўлган ўша учрашув, суҳбат асосидаги ҳаяжон сабаб бўлди. Боғбон хонадонидан кўп гапларни кўнглимга тугиб қайтдим. Уйга келсам, фарзандларим кино кўриб ўтиришибди. Ўрнидан ирғиб турган ўғлимнинг айтган гапи шу бўлди:

— Дада, зўр диск опкелдим. Даҳшат кино экан.

Экранда қотиллик, ўлдириш, отиш, ваҳшийлик манзаралари акс этарди. Мен экранга термулиб ўтирган фарзандларимни титрабгина турган қизғалдоқларга қиёс қилдим. Экрандан... экрандан эса мафкуранинг изғиринлари эсарди. Хаёлимда кўчатларни боғрига босиб, уларни қалин матолар билан ўраётган Содиқбой ака жонланди.

Tizim tadbirlari

МУАММОЛАР АНИҚЛАНДИ, ЧОРАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

22 май куни Адлия вазирлигида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбатини Адлия вазирининг ўринбосари — Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш марказининг директори Ҳ-М.Исоқов олиб борди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси, Бош прокуратураси, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, ҳамда уларнинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги тузилмалари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Маълумки, "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини самарали таъминлаш кўп ҳолларда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш соҳалари фаолиятига ҳам боғлиқ.

Шундан келиб чиқиб, Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг қилиш маркази томонидан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирликлари, шунингдек, улар Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятидаги тузилмалари фаолиятида **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги қонуннинг амалга оширилиши юзасидан мониторинг ўтказилди.

Мониторинг натижасида бир қатор муаммо ва камчиликлар, жумладан, фуқароларнинг мурожаатларини умумлаштириш ва уларнинг статистик ҳисоботларини юритиш қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқ келмаслиги, мурожаатлар бўйича қабул қилинган қарорлар устидан шикоят қилиш тартибининг тушунтирилмаслиги, фуқаролар мурожаатларига оид қонунчилик ижросини самарали таъминлашнинг ҳуқуқий механизмлари қонунда белгиланган тартибда ишлаб чиқилмаганлиги аниқланди. Кўрсатиб ўтилган вазирликларда

фуқаролар мурожаатлари билан ишловчи ходимларнинг ҳуқуқий билим даражаси етарли даражада эмаслиги фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш муддатларини билмаслиги ачинарли ҳолдир.

Мониторинг давомида аниқланган муаммо ва камчиликлар юзасидан, хусусан Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш ва Соғлиқни сақлаш вазирликларининг фуқаролар мурожаатлари билан ишлашга доир фаолиятида ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва қонунчилик асосларини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

ЭЪТИБОР ВА ЭЪЗОЗДА

— Навоий шаҳридаги «Ширин» маданият саройида вилоят адлия бошқармаси ташаббуси билан «Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқлари ва унинг кафолатлари» мавзусида илмий-амалий конференция бўлиб ўтди, — деб ёзади навоийлик мухбиримиз.

— Тадбирда вилоят прокуратураси, Ички ишлар ҳамда Халқ таълими бошқармалари ходимлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг Навоий вилоятидаги вакили, ҳудуддаги нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, мактаб директорлари ва ўқувчилар иштирок этишди. Йиғинда мамлакатимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар баркамол авлод тарбиясига муносиб ҳисса қўшаётганлиги таъкидланди. Болалар ҳуқуқларининг амалга оширилишида халқ таълимининг тутган ўрни, имкониятлари чеклангани болаларнинг жамиятда ўз истеъдод ва қобилиятларини намоён этишда нодавлат-нотижорат ташкилотларининг фаоллиги тўғрисида ҳам батафсил фикр юритилди.

Мен Конституцияни болалар боғчасидан бошлаб ўрганишни, мактабларда дарслик тариқасида ўқитишни, олий ўқув юртларида махсус бир дарс сифатида ўрганишни бугун барча мутасадди раҳбар ва ташкилотларимизга топшириқ тариқасида айтмоқчиман.

Токи униб-ўсиб келаётган ёш авлодимиз Конституциянинг маъно-мазмунини, у халқимизнинг истиқлол йилларида эришган улкан тарихий ютуғи эканини теран англаб етсин.

Ислом КАРИМОВ

Konstitutsiya saboqlari

Фаолиятимиз асоси

Конституцияни барча ёшдаги ватандошларимиз яхши билишлари керак ва шарт. Ана шу заруратни назарда тутиб, «Конституция сабоқлари» рукнини ташкил қилдик. Мазкур рукн остида мунтазам равишда мақолалар чоп этишни режалаштирдик. Ушбу сабоқлар ғоятда самимий ва содда, ёшу кексага бирдай тушунарли тилда бўлишига эътибор қаратдик.

Ҳар бир хонадонга кириш учун ҳовлининг дарвозаси бўлади. Шу дарвоза пештоқига, қанотларига қараб қаерга қадам қўйганлигингизни англайсиз. Конституциямиз муқаддимасини ҳам ифодали қилиб дарвозага қиёсласа бўлади. Муқаддимани ўқисангиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясини яратиш жараёни билан танишасиз. Ўзбекистоннинг Асосий Қонунида инсон ҳуқуқлари ва давлат суверенитети ғояларига тўла амал қилинганлиги биринчи хатбошида таъкидланади. Мана шу иборанинг ўзи ушбу Конституция қабул қилинган мамлакат жаҳонда эътироф этилган энг илғор ғояларни тан олишини, шу билан бирга ўз танлаган отишини маълум қилади. Мазкур ҳужжат ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятни англаган ҳолда қабул қилинган. Кейинги жумла ўзбек давлатчилиги ривожининг тарихий тажрибасига таянилганлиги ҳақида. Зеро, унинг замирида ҳам жуда катта маъно мужассам. Яъни, 1991 йилда ўз мустақиллигини қўлга киритган давлат XX аср охирига келиб тасодифан пайдо бўлиб қолган эмас. Унинг дунё ҳавас қилса арзийдиган бой тарихи, буюк ўтмиши бор. Шу заминда ўзбек давлатчилиги тарихи бебаҳо дурдоналар яратганки, уни нафақат эъзозлаймиз, балки буюк давлат қуришда Конституциямизнинг руҳи билан ижодий фойдаланамиз.

Фараз қилинг, дунёнинг бошқа бир чеккасидан келган сайёҳ сиздан сўраб қолди: **«Ўзбекистон қандай давлат?»** Сиз шундай жавоб қилишингиз мумкин: **«Ўзбекистон ҳуқуқий демократик жамият қураётган давлат»**. Буни исботлашингизни сўрашса, ҳаётий мисоллар келтиришдан



ташқари биринчи навбатда Конституция муқаддимасида ёзиб қўйилган ушбу сатрларни ўқиб беринг: **«...Демократия ва ижтимоий адолатга садоқатини намоён қилиб, халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган ҳолда»** ушбу ҳужжатимиз қабул қилинган. Худди шу ўринда мақсадимиз **«инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш»** эканлигини таъкидлаш ўринлидир.

Муқаддимада баён этилган бу лўнда сатрлар Ўзбекистон ҳақида кенг тушунча беради. Зеро, ҳар бир инсоннинг ҳаётда кўзлаган мақсади унинг онгу тафаккурини, мафкурасини акс эттиргани каби Конституцияда битилган сўзлар орқали Ўзбекистоннинг дунё давлатлари орасида тутган сиёсатини билиб олиш мумкин. Шу маънода **«Республика фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини»**, **«фуқаролар тинчлиги ва миллий тотувлигини таъминлаш»** ўзбек давлатининг бош мақсади эканлигини англаш ҳар биримизнинг қалбимизда ифтихор туйғуларини жўш урдиради.

Шундай қилиб, биз Конституциямиз муқаддимаси билан танишиб чиқдик. Лўнда қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси халқ ижодкорлигининг нодир намунаси эканлиги маълум бўлди. Шундай экан, бу тарихий ҳужжатда баён этилган моддаларни дилдилдан англаш, унга итоат этиш ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.



Шухрат ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган журналист

1-Iyun — Xalqaro bolalarni himoya qilish kuni

Болалар дунёни ва келажакни қутқаради

уларнинг ҳуқуқлари умумбашарий қадриятлардан биридир

Донишманд Арастудан сўрашди:

— Илмнинг кучи нимада?

— Самимият ва оддийликда.

— Самимият ва оддийлик қаерда?

— Беғуборликда... Бола қалбида, — деб жавоб берибди аллома.

Дунёда болалик қувончи, болалик завқидан ўтадиган туйғу йўқ. Тиниқлик ва покизаликни қўмсаб болалик хотираларига қайтамиз. Болалардек беғубор қалб билан яшагимиз келади, гоҳида. Машҳур турк шоири Нозим Ҳикмат «Болаларга берайлик дунёни, ҳеч бўлмаса бир кунга»... деганди...

Фарзандлари баркамол, ёшлари билимдон ва ватанпарвар бўлиб улғаяётган давлат қудратли, халқ эса кучли бўлади. Негаки, бугунги тезкор ва шиддатли даврда миллат ва халқ тақдирини нафақат моддий бойлик, балки маънавий-маърифий бойлик ҳал қилади. Мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритгач, тарихан қисқа даврда асрга татигулик тараққиёт йўлини босиб ўтди. Чунончи, 2000 йилнинг «Соғлом авлод» йили, деб эълон қилиниши муносабати билан қабул қилинган Давлат дастурида соғлом оилани шакллантириш, давлат, жамият ва оила томонидан соғлом фарзанд туғилишига эътибор ва ғамхўрликни кучайтириш, болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг бугунги кун талаблари даражасида таълим олишлари учун шарт-шароитлар яратилишига алоҳида аҳамият берилди. Шунингдек, ушбу дастурга биноан «Меҳрибонлик уйлари», мактаб-интернатларида тарбияланаётган болаларга давлат ёрдами кучайтирилди. «Соғлом авлод учун» жамғармаси, давлат ва нодавлат ташкилотлари ушбу хайрли ишга жалб этилди. Зеро, «Соғлом авлод учун» Давлат дастури ҳеч шубҳасиз, Ўзбекистон жаҳон ҳамжамияти билан ҳамнафас, ҳамқадам эканлигининг ёркин намунасидир. Қолаверса, мамлакатимиз Президентининг **«Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»**ги Фармони ҳам соғлом авлодни тарбиялашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Маълумотларга қараганда, бутун дунё аҳолисининг 2 миллиард 170 минг нафарини болалар ташкил қилади. Уларнинг 27,8 фоизидан ортиғи ё ота ё она меҳрига зор. Бунга сабаб:

— турли табиий офатлар;

— террорчилик хуружлари;

— йўл транспорт ҳодисалари;

— оилавий ажралишлар.

Жаҳоннинг қатор давлатларида болаларнинг саломатлиги, таълим-тарбияси муҳофазага олинмаганлиги ачинарли ҳолдир. Бунинг натижасида 225 миллион бола ногирон, 9,5 болалар таълим-тарбиядан бебаҳра ўсмоқда.

БМТнинг ЮНИСЕФ болалар ташкилотининг инсонпарварлик ёрдами ва эзгу ишларига қарамай, кўплаб давлатларда болаларнинг инсоний ҳуқуқлари поймол этилмоқда. Энг афсусланарли томони шундаки, айрим давлатларда болаларни қул сифатида сотиш ҳоллари учрамоқда. Бу эса жаҳонда болаларни ҳимоя қилиш ҳамон долзарб масала бўлиб турганидан далолат беради.

«Фарзандлар ота-оналарининг насл-насабидан ва фуқаролик ҳолатидан қатъи назар, қонун олдида тенгдирлар. Оналик ва болалик давлат томонидан муҳофаза қилинади», дейилади Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 65-моддасида.

Мамлакатимиздаги барча болалар, айниқса, шароит тақозосига кўра, ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг тўлақонли ва бахтли болалигини таъминлаш борасида ҳукуматимиз ҳамиша ғамхўрлик қилиб келмоқда.

Бола ҳуқуқлари муаммоси бутун жаҳондаги энг глобал ва муҳим муаммолардан бири ҳисобланади. 1989 йил 20 ноябрда Болалар ҳуқуқларини муҳофаза қилиш бўйича бола ҳуқуқлари соҳасида асосий ҳужжат — Конвенция қабул қилинди. Бу Конвенцияни жаҳондаги деярли барча мамлакатлар ратификация қилди. Конвенцияга қўшилган давлатлар қаторига Ўзбекистон Республикаси ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси парламенти 1992 йил 9 декабрь куни **«Бола ҳуқуқлари тўғрисида»**ги Конвенцияга қўшилиш ҳақида қарор қабул қилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз зиммасига унинг барча қоидаларига риоя этиш мажбуриятини олган ва халқаро ҳамжамият олдида жавобгарликни ҳис этади. Келажак авлод тарбияси, муаммолари Ўзбекистон Республикаси сиёсатида энг муҳим ўрин тутиши ва ушбу Конвенция аъзоси сифатида бола ҳуқуқларини таъминлашда барча керакли қонуний асосларни яратди. Болалар — дунё аҳолиси орасида энг кўп ҳимояга муҳтож қатлам бўлиб, улар доим меҳр ва муҳаббатга лойиқдир. Чунки мамлакатимиз келажагини шу болалар белгилаб беради.

«Ота-она ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар. Давлат ва жамият етим болаларни ва ота- оналарнинг васийлигидан маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди. Болаларга бағишланган хайрия фаолиятларини рағбатлантиради», дейилади Конституциямизнинг 64-моддасида.

Дарҳақиқат, ҳар бир бола — бир дунё. Унинг қувончи, дарди, шодлиги ва изтиробларига бефарқ қарашга ҳаққимиз йўқ.

...Болалик — тасаввуримиздаги энг бахтли, қувончли дамлар. Гўё дунёда ҳеч қандай ташвиш йўқдек, аслида ҳам шундай-да! Бу капалак умридек қисқа фурсат инсон хотирасида тенгсиз, такрорланмас ажиб дамлар бўлиб муҳрланиб қолади. Болалик ҳақиқатан ҳам инсон ҳаётининг шошқалоқ, лекин энг тоза, беғубор олтинга тенг давридир. Аммо инсон вақт олдида ожиз. Ёшимиз улғайиб борар экан, бизни ташлаб кетган бахтли кунларимиз, болалигимизни энди қайтара олмаслигимизга ачинамиз. Шу дам ён атрофимизда чопқиллаб, қийқириб ўйнаб юрган фарзандларимизнинг кулгиси, шодлиги қувончини кўриб, юракдан севинамиз. Ана шу бахтиёрлик дунё болаларини ҳамиша сармаст айласин, мудом уларнинг беғубор кулгисидан ер юзи оромлансин.

Муҳайёхон АЛИЕВА,
Мирзо Улуғбек туман 4-сонли давлат нотариал идораси нотариуси,
Гулсумхон ШОДИЕВА,
«Инсон ва қонун» мухбири

«Ijtimoiy himoya yili» Davlat dasturi amalda

Ғамхўрлик

Бу борада вояга етмаганларга нисбатан алоҳида эътибор қаратилмоқда

Жамиятимизда ҳимояга муҳтож қатламнинг давлат сиёсатига ишончи янада мустаҳкамланмоқда. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастурининг амалга оширилишини таъминлаш мақсадида 2007 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлашга оид чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони қабул қилиниб, унда ижтимоий муҳофазага муҳтож аҳоли тоифаларининг ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга қаратилган муҳим ва зарур чора-тадбирлар белгиланди. Бу режалаштирилган тадбирларнинг тўла амалга ошиши — мамлакатимизда ижтимоий адолат ва тотувликни кучайтириши шубҳасиз.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли тоифалари ичида вояга етмаганлар алоҳида эътиборга моликдир. Шу муносабат билан мамлакатимизда вояга етмаганларнинг ижтимоий ҳимоясига оид қонун ҳужжатлари ва уларда мустаҳкамланган имтиёзларни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ бўларди.

1994 йил Президентимизнинг **«Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоялашни кучайтиришга оид тадбирлар тўғрисида»**ги 938-сонли Фармони қабул қилингач, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатила бошланди.

Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 24 августдаги **«Кам таъминланган оилаларни ижтимоий ҳимоя қилишни ташкил этиш масалалари тўғрисида»**ги 434-сонли қарори асосида эса **«Кам таъминланган оилаларни ҳисобга олиш, уларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом»** тасдиқланди.

Ушбу Низомга асосан кам даромадли оилаларга ҳар ойлик моддий ёрдам тайинлаш ва унинг миқдорини белгилаш тўғрисидаги қарор фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, яъни қўрғон, қишлоқ, овул ва шаҳар маҳаллалари фуқаролари йиғинлари, турар жойлар, қишлоқ, овул маҳаллалари фуқаролари вакилларининг йиғилишида вакил қилинган комиссия томонидан қабул қилинади.

1996 йил 10 декабрда Вазирлар Маҳкамасининг **«Болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 437-сонли қарори қабул қилинган ва **«Вояга етмаган болалари бўлган оилаларга нафақалар тайинлаш ва тўлаш тўғрисида»**ги Низом тасдиқланган эди.

Нафақа ушбу Низомга мувофиқ болаликка ва ҳомийликка (васийликка) олинган вояга етмаган болалари бўлган оилаларга тайинланади ва тўланади.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг **«Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги 2002 йил 25 январдаги 33-сонли қарорини ижро этиш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлиги томонидан 2002 йил 18 февралда ишлаётган оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар парваришлаш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низом тасдиқланган.

Мазкур Низомга мувофиқ, бола икки ёшга тўлгунча бериладиган ҳар ойлик нафақа, фоизга биноан, онага, отага, фарзандликка олган шахсларга, ҳомий ёки васий, фарзандликка олинган, ҳомийликка олинган бола икки ёшга тўлгунча амалда уни парвариш қилган бошқа қариндошларга тайинланади ва тўланади.

Болани парваришлаш нафақаси парвариш қилаётган болалар сони ва нафақа олувчининг меҳнат стажидан қатъи назар, ой сайин тўланади.

Бундан ташқари, қонунчилигимизда оналар учун ҳам яна бир қанча имтиёзлар белгиланган. Жумладан, ўн саккиз ёшга тўлмаган оналар меҳнатга оид ҳуқуқий муносабатларда катта ёшдаги ходимлар билан тенг ҳуқуқда бўлади.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон ҳудудида яшаб, истиқомат қилиб келаётган фуқароларимизнинг 30 га яқин тоифалари ҳукуматимиз томонидан белгилаб қўйилган имтиёзлардан фойдаланиб келмоқда.

Шундай қилиб, мамлакатимизда ижтимоий ҳимоя йўналишида бугунги кунда кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилмоқда. Президентимиз таъкидлаганларидек, **бу борада қабул қилинган Дастур ва режаларимизнинг бош мақсади — халқимиз учун муносиб турмуш шароити яратишдан иборатдир.**

Сайдилла САИДХЎЖАЕВ,
Бобур ШОЁҚУБОВ

Qonunning mohiyati

СОҒЛОМ ОИЛА — ЮРТ ИСТИҚБОЛИ

(Давоми. Боши биринчи бетда)

Айрим ҳолларда тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида никоҳланувчиларнинг бири ўзининг таносил касаллиги ёки одам иммунитети танқислиги синдроми (ОИВ касаллиги) билан касалланганини врач хатоси оқибатида ёки врач хулосаси сохталаштирилиши ёхуд бошқа йўллар билан яшириши мумкин. Шунингдек, тиббий кўрикдан ўтган даврдан никоҳи қонуний қайд этилгунга қадар — ўртадаги вақт оралиғида юқоридаги касаллик билан касалланиш эҳтимоли борлигини, шунингдек, тиббий кўрикдан ўтиш жараёнида касаллик инкубацион босқичда бўлиб, ўша пайтда аниқлаш имкони бўлмаслиги ҳолатларини инобатга олган ҳолда, Оила кодексининг 49-моддаси матни қуйидаги таҳрирда ўзгартирилди:

"Никоҳ қуйидаги ҳолларда ҳақиқий эмас деб топилади:

-ушбу Кодекснинг 14-16-моддаларида белгиланган шартлар бузилганда;

-сохта никоҳ тузилганда, яъни эр-хотин ёки улардан бири оила қуриш мақсадини кўзламай никоҳ қайд қилдирганда;

-никоҳланувчи шахслардан бири таносил касаллиги ёки одам иммунитет танқислиги вируси (ОИВ касаллиги) борлигини бошқасидан яширганда, агар иккинчиси судга шундай талаб билан мурожаат этса".

Мазкур, Қонуннинг мақсади Оила кодексини **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги 2002 йил 13 декабрдаги Қонунига мувофиқлаштиришдир. Яъни **"Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги қонунига мувофиқ, Оила кодексининг 17-моддаси учинчи қисми чиқариб ташланган бўлсада, ушбу кодекснинг 49-моддасида 17-модданинг учинчи қисмига ҳавола этилган норма сақланиб қолинган.

Кодекснинг 49-моддаси матнининг янги таҳрирда берилиши билан *биринчидан,* кодексдаги қонунчилик техникаси, қоидаларига зид ҳолат бартараф этилади; *иккинчидан,* фуқаролар, мутахассислар ва суд томонидан никоҳни ҳақиқий эмас, деб топиш ишларини кўриш жараёнида юзага келадиган муаммоларни ижобий ҳал этишга эришилади; *учинчидан,* ёш авлодни ҳам маънан, ҳам жисмонан камол топтиришнинг ҳуқуқий асослари янада такомиллашади.

Мухтабар ХУСАНОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими

Afsus

Туя гўшти еган ариза

Туман ҳокимлигига қатнайвериб, Маҳмуджон Шермуҳаммедовнинг тинка-мадори қуриб кетди. Алам қиладиган томони шундаки, бу қатнашлардан ҳеч қандай натижа чиқмади. Сўнг ўйлай-ўйлай, Сирдарё вилоят адлия бошқармасига қараб йўл олди...

Хўш, Сирдарё тумани, Бахт шаҳри, Усмон Юсупов кўчаси, 50-уйда истиқомат қилувчи М.Шермуҳаммедов нимадан норози бўлди ва нега қарийб саккиз ой бўзчининг мокисидек ҳали у эшикка, ҳали бу эшикка қатнади? Ҳокимлик мутасаддиларининг, хусусан, ҳоким ўринбосари Мўмин Каримовнинг йўлини пойлаб кун ўтказди?! Эшигига кўз тикиб турди?

Унинг вилоят адлия бошқармасига қилган мурожаатидан сўнг йиғилган ҳужжатларга назар ташланса, барчаси бир зумда равшан бўлади-қўяди.

Қисқаси, М.Шермуҳаммедов чорвачиликни ривожлантирмоқчи, гапнинг бўларини айтганда, унинг даромади орқали фарзандларини уй-жой билан таъминламоқчи бўлди. Тор жойда томоша деганларидай, ҳовлида оила аъзолари сиқилишиб қолишганди. Шу сабабли у кредит олишда амалий ёрдам сўраб, туман ҳокими Ҳамробой Раззоқов номига 2006 йилнинг 14 апрелида ишонч ва умид билан ариза ёзди.

Даставвал Маҳмуджон аканинг иштиёқи баланд эди. Кайфияти ҳам яхш", кўнгли хотиржам эди. Туман ҳокимлигининг амалий ёрдам беришига астойдил ишонганди. Негаям ишонмасин, ахир, ҳукуматимиз бу борада ишлайман деганларни қўллаб-қувватлаётган, имконият эшикларини кенг очиб бераётган бўлса. Қолаверса, буни бутун эл-улус жуда яхши биларди. Маҳмуджон ака шу ўйлар



билан аризани қўйнига солиб, шаҳду шижоат билан ҳокимликка йўл олди.

Аммо... аммо хаёл бошқа, ҳаёт бошқа эканлигини, барча умидларининг пучга чиқишини-ю, шу ариза туфайли саккиз ой овора-ю сарсон бўлишини ўша пайтда умуман тасаввур қилмаганди. Афсуски, шундаи бўлиб чиқди, Алал оқибат, у кредитнинг эмас, оворагарчилигу асаббузарликларнинг «соҳиби»га айланди.

Тўғри, даставвал унинг аризаси ҳокимликнинг умумий бўлимида рўйхатга олинди. Ёзма мурожаат билан ҳатто ҳокимнинг шахсан ўзи танишиб чиқди ва резолюция қўйиб, ижро этиш учун ўринбосари Мўмин Каримовга йўллади. Муовин эса... у аризани олдию ҳаммасини буткул унутди. Аввалига стол устида ётган аризага «оёқ битиб», борабора ғаладонга тушиб кетди.

... Кута-кута тоқати тоқ бўлган «муаллиф» эса ҳар гал туман ҳокимлигига келиб, Мўмин Каримовни тополмай ортига қайтади. Ва ниҳоят кунларнинг бирида, яратганнинг каромати билан ўринбосардан жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилган эди:

«Сирдарё туман ҳокимлиги сизнинг 2006 йил 14 апрелдаги № 06-377-сонли хатингизни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни маълум қилади.

Агар ҳомий ташкилотлар бу борада ёрдам кўрсатиш истаги билан туман ҳокимлигига мурожаат этишса, сизга чорва моллари олиб бериш чоралари кўрилади.

Туман ҳокими ўринбосари М.Каримов

2006 йил 27 декабрь».

Шундан сўнг у вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Мавжуд аҳвол билан батафсил танишиб чиққан бошқарма мутасаддилари 2007 йилнинг 30 январида Сирдарё туман ҳокими номига И/156-сонли тақдимнома киритди. Унинг қисқача баёни қуйидагича:

«Фуқаро М.Шермуҳаммедов чорва моллари олиш учун кредит маблағи ажратилишида амалий ёрдам сўраб, Сизнинг номингизга 2006 йилнинг 14 апрелида ариза билан мурожаат қилган. У эса резолюциянгиз билан ижро этишлик учун ўринбосарингиз М.Каримовга берилган. Муовинингиз томонидан аризани кўриб чиқиш ижро муддати бузилиб, саккиз ойдан сўнг, яъни 2006 йилнинг 27 декабрида 3/03-662-сонли хат билан аризачига жавоб берилган. Бу билан М.Каримов томонидан **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонун талаблари қўпол равишда бузилган. Ваҳоланки, ушбу Қонуннинг 18-моддасида **ариза ва шикоятлар моҳиятан ҳал этилиши шарт бўлган давлат органига тушган кундан эътиборан бир ойгача муддат ичида, қўшимча ўрганиш ва текширишни талаб этмайдиганлари эса, ўн беш кундан кечиктирилмай кўриб чиқилиши лозим,** деб белгилаб қўйилган.

Адлия бошқармасининг ушбу тақдимномаси Сирдарё туман ҳокимлигида муҳокама қилиниб, 2007 йил 9 март куни бошқармага жавоб хати юборилди. Унда фуқаро М.Шермуҳаммедовнинг аризасига ўз вақтида жавоб бермаган ҳоким ўринбосари Мўмин Каримовга нисбатан ойлик иш ҳақининг 20 фоизи миқдорида жарима солинганлиги қайд этилганди.

Шундай қилиб, қонунбузар ўринбосар огоҳлантирилди, унга жазо чораси ҳам қўлланилди. Энг асосийси, юқоридаги салбий ҳолат маълум маънода Сирдарё туман ҳокимлигидаги боқибеғамлик кайфиятида юрган баъзи раҳбарларга сабоқ бўлди ҳам дейлик. Лекин... Лекин яна таъкидлашга мажбурмиз: қонунчиликка биноан давлат бошқарув органи ҳисобланмиш ҳокимлик раҳбарларининг ўзлари кўра-била туриб, бу даражада қўпол қонунбузарликка йўл очиб берганларини нима, деб изоҳлаш мумкин?

Қолаверса, умид билан ёрдам сўраб борган, раҳбарнинг кўмагига кўз тиккан кишиларнинг ҳафсаласини пир қилиш нафақат раҳбар этикасига, балки оддий қилиб айтганда, одамгарчиликка ҳам тўғри келмайди-ку...

Хуллас, юқорида номи қайд этилган айрим раҳбарлар биз-нинг бу дўстона изоҳларимиздан тўғри хулоса чиқаради, деб ўйлаймиз. Зеро, халқимизнинг «дўст ачитиб гапиради», деган гапи қадим-қадимлардан бери ўз моҳиятини йўқотмаяпти, йўқотмайди ҳам. Шундай эмасми?

Ўткирбек АБДУРАҲМОНОВ,
Сирдарё вилоят адлия бошқармаси бўлим бошлиғи,
Абдуғаффор ОМОНБОЕВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Бозор иқтисодиёти ҳар бир тадбиркордан фаолияти давомида қатъий қарорлар қабул қилишни талаб қилади. Акс ҳолда кўзланган мақсад, яъни фойда олишга эришиш ўрнига зарар келиб чиқиши мумкин. Шундай қатъий қарорлардан бири корхонани тугатиш ёки фаолиятини тўхтатишдир.

Talqin va tahlil

Корхонани ихтиёрий тугатиш

соддалаштирилади, сансалорликка йўл қўйилмайди



Тан олиш керак, корхоналарни ихтиёрий тугатиш борасида амалдаги қонунчиликда айрим ноаниқликлар мавжуд. Ихтиёрий тугатишни ҳуқуқий тартибга солиш ва уни амалга ошириш тўғрисида алоҳида норматив ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши бугунги даврнинг ўзи тақозо қилаётир. Ушбу ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги тадбиркорлик субъектларида уни ўта мураккаб ва муаммоли бўлиб кўринишига, соҳада айрим муаммоларнинг вужудга келишига олиб келарди. Тугатиш жараёнида қатнашадиган давлат органлари (солиқ, ички ишлар, рўйхатга олувчи орган) ва бошқа муассасалар (тижорат банки, архив) билан боғлиқ муносабатлар тартибга солинмаган ва қатъий муддат белгиланмаганлиги сабабли тадбиркорлик субъектлари бу жараёнда сансалорликка ва бюрократик тўсқинликларга дуч келган эдилар.

Корхонани ихтиёрий тугатиш Фуқаролик кодекси ва Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 3 июлдаги 327-сонли қарори билан қисман тартибга солинган, лекин амалиётда вужудга келаётган муаммолар ушбу жараённи тартибга солиш учун алоҳида ҳуқуқий ҳужжатни жорий этиш эҳтиёжини туғдирмоқда.

Ушбу ҳолат Президентимиз Ислом Каримовнинг 2006 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2007 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги **«Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш — асосий вазифамиздир»** номли маърузасида ҳам таъкидлаб ўтилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ушбу ҳолатга барҳам бериш мақсадида 2007 йил 27 апрелда **"Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида"**ги ПҚ-630-сонли қарори қабул қилинди. **Унга кўра, 2007 йилнинг 1 июлидан бошлаб тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш (фаолиятини тўхтатиш)нинг соддалаштирилган тартиби жорий этилиши белгиланган.**

Ушбу ҳужжатнинг қабул қилиниши тадбиркорлик билан шуғулланувчи субъектларни ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатишни соддалаштирилган тартибини белгилаб берди. Жумладан, корхонани тугатиш жараёни бир неча йилларга чўзилиб кетар эди, янги тартиб бўйича умумий муддат рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб тўққиз ой деб аниқ муддат белгиланди. Шунингдек, рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектини — юридик шахсни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб корхонанинг молия-хўжалик фаолияти тўхтатилади, шу муносабат билан ер солиғи, ягона ер солиғи, мулк солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик солиғи, шунингдек, барча турдаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича пеняларни ҳисоблаб ёзиш тўхтатилиши назарда тутилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъекти тўхтатишнинг исталган босқичида фаолиятни тиклаш ва тугатиш жараёнини тўхтатиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқига эгалиги белгиланди, лекин ушбу жараён тўққиз ой давомида тугатилмаган тақдирда юқорида назарда тутилган солиқ имтиёзлари қўлланилмаслиги таъкидланди.

Ушбу қарорда корхона тугатувчисининг ваколатлари аниқ белгилаб берилди. Жумладан, корхона тугатувчиси ихтиёрий тугатишни амалга ошириши ва корхонанинг кредиторлари, муассислари (қатнашчилари) ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, ишончномасиз корхона номидан вакиллик қилиш, корхонанинг молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолаш каби ваколатлар аниқ қилиб белгиланди.

Муқаддам, тугатилаётган корхона рўйхатга олувчи органга ички ишлар идорасининг муҳр ва штамп йўқ қилинганлиги тўғрисида маълумотномасини топширар эди. Бу амалиётда айрим ҳолатларда рўйхатга олувчи орган корхонани реестрдан чиқаришни рад этиб ҳужжатларни қайтарган тақдирда муаммо келтириб чиқарар эди. Тадбиркорлик субъекти ҳужжатларни камчиликларни тўзатиш учун муҳр ва штамп ясатишга мажбур бўлар эди. Янги қарорда эса тадбиркорлик субъекти корхона муҳр ва штампини рўйхатга олувчи органга топширилиши белгиланди. Бу эса тадбиркорлик субъектининг ортиқча маблағ сарфлаши ҳамда сарсон бўлишини бартараф этди.

Аввал корхона тугатилаётган вақтида солиқ идорасининг текшириш тайинлаши ва уни ўтказиши ойлаб чўзилар эди. Янги қарорда бундай текшириш ўтказиш учун аниқ муддат белгиланди, яъни тугатилаётган корхонанинг солиқ идорасига мурожаат қилган кундан бошлаб уч иш куни ичида молия-хўжалик фаолиятини текширишни бошлаши лозим. Текшириш эса ўттиз кундан ошмаслиги керак.

Ўйлаймизки, шу каби қулайлик ва имтиёзлар келажакда тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатишни соддалаштирилган тартибини белгилаб берди. Жумладан, корхонани тугатиш жараёни бир неча йилларга чўзилиб кетар эди, янги тартиб бўйича умумий муддат рўйхатдан ўтказган орган ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор ҳақида хабардор қилинган кундан бошлаб тўққиз ой деб аниқ муддат белгиланди. Шунингдек, рўйхатдан ўтказган орган тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва улар фаолиятини тўхтатишда ҳамда бошқа тегишли шахслар манфаатларига риоя этилишини таъминлаш, ишончномасиз корхона номидан вакиллик қилиш, корхонанинг молиявий, тўлов-ҳисоб-китоб ва бошқа ҳужжатларини имзолаш каби ваколатлар аниқ қилиб белгиланди.

Иброҳим ТУРҒУНОВ,
Адлия вазирлиги ходими



Xatlarda hayot aksi

«Уйимни акам сотди...»

Таҳририят хатқутисига келиб тушаётган шикоят-аризалар билан танишиб, шундай хулосага келиш мумкин. Бугун суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар ўз натижасини бера бошлади. Бу, айниқса, фуқароларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқларини таниб бораётганида яққол кўзга ташланади. Ушбу фикримизга далил сифатида адолатли ва инсонпарвар қонунларимиздан миннатдор бўлиб мактуб йўллаган юртдошларимизнинг хатларидан мисоллар келтиришимиз мумкин. Лекин «иш бор жойда камчилик ҳам бор» деганларидек, айрим мактубларни ўқий туриб, нега жойларда оддийгина муаммоларни ҳал қилишга ҳам панжа ортидан қарайдиган мутасаддилар бор, деб ўйланиб қолади киши...

Хуллас, нима бўлганда ҳам фуқаролар бизга мактуб йўллашган. Биз эса айрим мактубларни Сиз — азиз газетхонларнинг ҳукмига ҳавола этишни лозим топдик.

МИННАТДОРМАН

Ҳурматли таҳририят ходимлари!

Яқинда ўз шахсий автомашинамни бошқариб бора туриб, кутилмаганда автоҳалокат содир этдим. Натижада бир фуқаро менинг айбим билан тан жароҳати олди. Албатта, зудлик билан унга биринчи ёрдам кўрсатиб, ундан сўнг шифохонага олиб бордим. Шифокорлар айтган барча керакли дори-дармонларни ўз вақтида етказиб бердим. Сўнг уйга бориб, оилам ва фарзандларим билан хайрлашдим.

Шу ўринда «хайрлашдим», деган сўзга алоҳида эътибор қаратишингизни истардим. Назаримда, менга камида уч-тўрт йиллик қамоқ жазоси берилиши лозим эди. Чунки бундан ўн беш-йигирма йиллар аввал ён қўшни бўлиб яшаган амаким ҳам автоҳалокат содир этиб, узоқ йилга қамалиб кетганди. Шунинг учун ҳам қамалишимга шубҳа қилмаётган эдим.

Буни қарангки, тергов ва суд жараёнида бунинг бутунлай акси бўлиб чиқди. Жабрланувчига ўз вақтида ёрдам қилганим, унинг даволаниши учун кетган барча сарф-харажатларни зиммамга олганим ва энг асосийси, жабрланувчи ўз даъвосидан ўтиб, ўзаро ярашганимиз туфайли менга нисбатан ярашув қўлланилиб, жазодан озод этилдим.

Оддий ҳайдовчи бўлганим боис, қонунларимизга киритилган бу янгиликдан бехабар эканман. Сизларга мактуб йўллашимдан муддао эса, ана шундай инсонпарвар қонунлар ишлаб чиқаётган қонун ижодкорларига миннатдорчилик билдиришдир.

Баҳодир УЛУҒБОЕВ,
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани

«ЭРТА КЕЛИНГ, ИНДИН КЕЛИНГ»...

Мен 1957 йилдан Фарғона вилояти, Фарғона тумани, Чимён қишлоғи, Лангар кўчасидаги 46-уйда яшаганман. 1959 йилда касбим тақозоси билан Қува шаҳрига ишлашга кетдим. Уйим қаровсиз қолмасин, деган мақсадда, уйни акам Эмин Турдиевга вақтинчалик қолдирдим. Лекин орадан маълум вақт ўтиб, акам уйни менинг рухсатимсиз куёви Даврон Қодировга сотиб юборибди.

Мен бундан 2003 йилга келиб хабар топдим. Шундан сўнг ушбу масаланинг қонуний ечимини топиш мақсадида Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига мурожаат қилдим. Бўлиб ўтган қатор суд жараёнларидан кейин, аниқроғи, 2004 йилнинг 24 апрелига келиб, Олий суднинг протестига асосан уйнинг менга тегишли эканлиги белгиланди. Суд қарорига кўра Фарғона тумани ҳокимининг 1999 йил 18 август кунидаги 490-сонли қарори бекор қилиниб, 46-уйнинг «А» литердаги қисми Даврон Қодировнинг эгалигидан чиқариб ташланди.

Лекин суднинг қарори бўлишига қарамасдан, туман ҳокимлиги ишнинг ижросини сабабсиз орқага суриб, менинг барча мурожаатларимга панжа орасидан қараб келди. Шунинг учун ҳам 2005 йилда туман ҳокимлигидаги мутасаддиларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатидан норози бўлиб, яна Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро судига мурожаат қилишга мажбур бўлдим.

Фуқаролик ишлари бўйича Фарғона туманлараро суди 2005 йил 28 апрель куни менинг даъво аризамни қаноатлантириб, қуйидаги ҳал қилув қарорини қабул қилди:

«...Турдиев Неъматнинг «Фарғона туман ҳокими ва Фарғона тумани ТРКБнинг хатти-ҳаракатлари устидан» берган шикояти қаноатлантирилсин.

Фарғона туман ҳокимлиги ва Фарғона туман ҳокимлиги ер, бинолар ва иншоотлар давлат кадастри бўлимига Фарғона туман Лангар қишлоқ фуқаролар йиғини, Лангар кўчаси 46-уйдаги «А» литердаги уй-жойларни мутаносиб равишда ер участкаси билан эгалик ҳуқуқини белгилаш ва давлат кадастри рўйхатига олиш мажбурияти юклатилсин...»

Мен судья С.Розиқовнинг ушбу ҳал қилув қароридан сўнг ва ниҳоят, адолат қарор топди, деб хурсанд бўлган эдим. Афсуски, эрта қувонган эканман. Чунки орадан икки йил ўтаётган бўлишига қарамасдан, туман ҳокимлиги мутасаддилари суднинг бу қарорини ҳам бажармай келишаяпти. Икки йилдан буён ҳокимлик мутасаддилари «эрта келинг, индин келинг», деб мени овора қилишади. Сизлардан илтимос, адолат қарор топишида ёрдам берсангизлар.

Неъмат ТУРДИЕВ,
Фарғона вилояти,
Фарғона тумани

«ҚОҒОЗИ» БОР, ЎЗИ ЙЎҚ

Мен Сурхондарё вилояти, Жарқўрғон тумани, Оқтепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Ғурғур» маҳалласида яшайман. 2004 йилда фуқаро Отабек Абдуназаров билан оила қурдик. Ўртада бир нафар фарзандимиз бор. Тақдир экан. 2006 йилда суд орқали қонуний ажрашдик. Лекин шу кунгача фарзандимга ажратилган алимент пулини ҳеч ўз вақтида ололмаяпман. Қайнонамга учрашсам, собиқ турмуш ўртоғим алимент пулини ўз вақтида почта орқали жўнатиб турганини айтди. Шундан сўнг почтага бориб учрашдим. Улар менга «ҳозирча пулнинг қоғози келган, қачон пулнинг ўзи келса, кейин оласан», дейишди. Почтага қатнайверириб, безор бўлганим учун сизларга мактуб ёзишга мажбур бўлдим. Умид қиламанки, аризамни бефарқ қолдирмайсизлар.

Меҳринисо БОЙМУРОДОВА,
Сурхондарё вилояти,
Жарқўрғон тумани

Рукн учун масъул: Ислом ҲАМРО

E`tibor bering!

Ҳайдовчи, ишончномангизни алмаштирдингизми?

Вазирлар Маҳкамасининг **«Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»**ги 2006 йил 7 мартдаги 38-сонли қарорига асосан, 2006 йилнинг 1 июлидан бошлаб, автомототранспорт воситалари билан боғлиқ ишончномалар, уларни бошқа шахсга бериш ва ижарага бериш шартномаларини нотариуслар томонидан нотариал тартибда тасдиқлаш фақат қатъий ҳисобда турган, ҳимоя даражасига, серия, тартиб рақамига ва ҳудудий кодга эга бўлган «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасида тайёрланган гербли (махсус) бланкаларда амалда оширилмоқда ва бу ишончнома ҳамда шартномалар Ички ишлар вазирлигининг Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати органларида ҳисобга қўйилмоқда. Қарорда муқаддам нотариал тартибда тасдиқланиб, тегишли ДЙҲХБ органларида рўйхатдан ўтказилган, амал қилиш муддати тугамаган ишончномаларни 2007 йил 1 январгача давлат божи ундирилмасдан (Герб йиғими бундан мустасно) қайта расмийлаштириш кераклиги белгиланган.

Бу борада нотариал идоралар томонидан амалга оширилган ишлар таҳлил қилинганда биргина Андижон вилоятининг ўзида нотариал идоралар томонидан 2004-2005-2006 йилларда тасдиқланган 18.520 дан зиёд автомототранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш билан боғлиқ ишончномалардан 2007 йил 1 январь ҳолатига 2.776 тасигина гербли бланкаларга алмаштирилганлиги маълум бўлди.

Адлия вазирлиги ҳамда Ички ишлар вазирлигининг қайд этилган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш учун қўшимча имконият бериш тўғрисидаги таклифи Вазирлар Маҳкамасида кўриб чиқилиб, Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 4 май кунидаги 91-сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, кўрсатиб ўтилган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш муддати 2007 йилнинг 1 июлига қадар узайтирилди.

Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида Андижон вилоят адлия бошқармаси ходимлари ва бошқарма тизимидаги барча нотариал идоралар нотариуслари томонидан бозорларда, меҳнат жамоаларида, автохўжаликларда ва аҳоли кўп тўпланадиган бошқа жойларда турли шакллларда эълонлар берилмоқда.

Шу кунга қадар нотариал идоралар томонидан 225 дан зиёд ишончномалар гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштирилди. 1000 дан ортиқ фуқароларга эски, амал қилиш муддати тугамаган ишончномаларни гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштиришлари учун тегишли хабарномалар юборилди.

Адлия ходимлари ва вилоятда фаолият кўрсатаётган нотариуслар томонидан радио, телевидение ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълонлар бериб борилмоқда. Лекин шунга қарамасдан, нотариал идораларга мурожаат қилувчиларнинг сони озчиликни ташкил этади.

Берилган муддат қисқа бўлганлиги боис, адлия бошқармаси ходимлари томонидан эски ишончномалар асосида автомототранспорт воситасини бошқариб юрган фуқароларни белгиланган муддатда ишончномаларини гербли (махсус) бланкаларда қайта расмийлаштириш учун (муқаддам ишончномаларини тасдиқлаган) нотариал идорага мурожаат қилиш зарурлиги юзасидан кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Малоҳат СОБИРОВА,
Андижон вилояти адлия бошқармаси ходими

Adliya yordam berdi

Қонунга таянган адашмайди

Ҳукумат қарорига мувофиқ, Чуст тумани «Ахча» ширкат хўжалиги тугатилиб, фермер хўжаликларига айлантириладиган бўлди. Ана шунда кўпдан буён фермер бўлиш орзусида юрган Исмоил Мансуров ширкат хўжалигини қайта ташкил этиш комиссиясига мурожаат қилиб, 15-лойиҳа бўйича талабгорлик қилди.

Белгиланган кунда тендер танлови бўлиб ўтди. Танловда қайта ташкил этиш комиссияси 15-лойиҳа бўйича фуқаро Улуғбек Қўйчибековни ғолиб, деб топди. Бу ҳақда комиссиянинг 2006 йил 29 декабрдаги 5-сонли йиғилиш баёни, туман ҳокимининг 406-сонли қарори ҳам қабул қилинди. Бироқ танлов Исмоил Мансуров кутганидек, ҳаққоний тарзда ўтмади. Шу боис у бундан норози бўлиб, вилоят адлия бошқармасига мурожаат қилди.

Албатта, вилоят адлия бошқармаси томонидан И.Мансуровнинг аризаси ўрганиб чиқилди ва чиндан ҳам қайта ташкил этиш комиссияси томонидан бир қатор қонунбузарлик ҳолатларига йўл қўйилгани аён бўлди. Яъни Улуғбек Қўйчибеков ўзининг қўшни Поп туманидаги «Эсонали ота» фермер хўжалигида иш юритувчи бўлиб ишлаб келаётгани тўғрисида фермер хўжалиги раҳбарининг маълумотномаси ва туман статистика бўлими томонидан «Эсонали ота» фермер хўжалиги сўнгги уч йил мобайнида шартномавий режаларни бажарганлигини тасдиқловчи маълумотномани комиссияга тақдим қилган. Мазкур маълумотномаларга асосан, комиссия унга 10 балл берган. Ваҳоланки, Адлия вазирлигида 2006 йил 13 февраль куни 1523-1-сон билан қайта рўйхатдан ўтган **«Фермер хўжалигини юритиш учун ер участкаларини беришда танлов ғолибини аниқлаш тартиби тўғрисида»**ги Низомнинг 5-бандида «Агар талабгор қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкат хўжаликлари) ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари ва ташкилотлари раҳбари ва ходимлари (фермер хўжалиги ходимлари ва оилавий пудратчилари бундан мустасно) бўлса, унда хўжаликнинг сўнгги уч йилдаги маҳсулот етказиб бериш контрактация шартномаларининг бажарилиши тўғрисидаги туман статистика бўлими томонидан берилган маълумотнома асосида 4 баллдан 10 баллгача баҳоланади», деб кўрсатилган. Комиссиянинг У.Қўйчибековга фермер хўжалиги ходими сифатида 10 балл бергани ушбу Низомга хилофдир. Энг ажабланарлиси, унинг меҳнат дафтарчасига «Эсонали ота» фермер хўжалигида иш юритувчи вазифасида ишлаётгани қайд этилмаган.

Бундан ташқари, Улуғбек мол-мулк сифатида 8.000.000 сўмга баҳолатиб, танловга тақдим этган «ФОРДТРАНЗИТ» микроавтобуси 2005 йил декабрь ойида, яъни танловдан бир йил муқаддам баҳолатилган ҳамда ўша пайтда транспорт талабгорнинг турмуш ўртоғи Гулбаҳор Қурбоновага эмас, балки унинг отаси Эргашали Қурбоновга тегишли бўлган. Лекин комиссия бу ҳолатларнинг барчасини негадир эътибордан четда қолдирган.

Вилоят Адлия бошқармаси ана шуларга асосланган ҳолда, содир этилган қонунбузарликни бартараф этиш ва 15-лойиҳа бўйича қайта танлов ўтказиш юзасидан Чуст туман ҳокими ҳамда «Ахча» ширкат хўжалиги қайта ташкил этиш комиссияси раиси номига тақдимнома киритганди. Кўп ўтмай, туман ҳокими тақдимнома ижросини таъминлади ва муаммо ўз ечимини топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, вилоят адлия бошқармаси қайта ташкил қилиш жараёнида фақатгина тендер танловларининг қонуний ўтишини назорат қилибгина қолмай, тугатилаётган ширкат хўжаликларининг дебитор ва кредиторлик қарзларини ундиришга ҳам бош қўшди. Бунинг учун судларга 175 та даъво аризалари киритилиб, уларнинг 31 таси қаноатлантирилди.

Инсон ҳаётда ким бўлишидан қатъи назар, бир нарсани унутмаслиги лозим. Бу – қонуннинг барчага баробарлиги, унга таяниб амалга оширалажак ҳар қандай ишнинг муваффақиятли якун топишидир. Юқоридаги тафсилотларни ўқиган кишига эса ушбу ҳақиқатни изоҳлаб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак.

Анваржон ТУРСУНОВ,
Наманган вилоят адлия бошқармаси ходими

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги маълум қилади:

вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида

МАЪЛУМОТ

(2007 йил 19 майдан 25 май ҳолатига)

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. "Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги низомни ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқарувининг 2007 йил 14 апрелдаги 2007-33, 11/6-сонли қарори.*

2007 йил 19 майда 1070-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 майдан кучга киради).

2. "Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2002 йил 27 декабрдаги 140-сонли "Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш бўйича қоидаларни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2007 йил 12 апрелдаги 39-сонли буйруғи.*

2007 йил 19 майда 1209-4-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 майдан кучга киради).

3. "Ўзбекистон Республикаси Мол-хомашё биржасида ўтказиладиган биржа савдоларида пахта момиғини сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 9 апрелдаги 9, 106, 01/ЎзРТСБ-18/02-сонли қарори.*

2007 йил 19 майда 1681-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 майдан кучга киради).

4. "Монопол маҳсулотлар, хомашё ва материалларни биржа ва кимошди савдоларига қўйилишини назорат ва мониторинг қилиш тўғрисида Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг 2007 йил 26 январдаги 2-сонли қарори.

2007 йил 19 майда 1369-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 майдан кучга киради).

5. "Ўзбекистон Республикаси ҳудудида радиочастота спектри ва радиоэлектрон воситаларидан фойдаланишни тартибга солиш тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги бош директорининг 2007 йил 6 февралдаги 38-сонли буйруғи.*

2007 йил 19 майда 1531-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 29 майдан кучга киради).

6. "Чорва моллари, бинолар ва асбоб-анжомларни танлов кимошди савдоси асосида сотиш тартибини бекор қилиш ҳақида"ги *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитасининг 2007 йил 22 майдаги 2/8, 20-26-01, 55, 01/23-18/13-сонли қарори.*

2007 йил 24 майда 136-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 июндан кучга киради).

7. "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақидаги қарорни ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида"ги *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2007 йил 26 апрелдаги 3, 9, 58, 81, 124-сонли қарори.*

2007 йил 24 майда 1381-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 июндан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Нақд пул тушумини яширишга йўл қўйган корхоналар ва ташкилотларга нисбатан жазо жарималарини қўллаш тартиби тўғрисидаги Низом. *Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Марказий банк Бошқаруви томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1070, 28.09.2001 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 19 майдаги 90-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Биржа савдоларида пахта момиғини сотиш тартиби тўғрисидаги Вақтинчалик Низом. *Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзпахтасаноат» Ассоциацияси, «ЎзРТХАБ» ОАЖ томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1353, 12.05.2004 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 19 майдаги 92-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Чет эл паспортларини рўйхатдан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси ётоқхоналарида чет эл фуқароларини ҳисобга қўйиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 74, 01.07.1994 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 24 майдаги 95-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Буйруқ 2007 йил 24 майда 74-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 3 июндан кучга киради).

4. Чорва моллари, бинолар ва асбоб-анжомларни танлов-ким ошди савдоси асосида сотиш тартиби. *Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Молия вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 136, 20.04.1995 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 24 майдаги 96-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг сержантлик таркиби лавозимларида ҳарбий хизматни ўташ учун шартнома тузиш тартиби тўғрисидаги йўриқнома. *Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1381, 02.07.2004 й).*

Адлия вазирининг 2007 йил 24 майдаги 97-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди. Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2004 йил 9 декабрдаги 05/4332-сонли ҳати.

2. "Ўздавэнергоназорат" инспекцияси бошлиғининг "Янгидан қурилган ва реконструкция қилинган объектларнинг электр энергия таъминоти лойиҳаларини "Ўздавэнергоназорат" инспекциясида экспертиза қилиш тартиби" 2006 йил 31 августдаги 139-сон буйруғи.

Ушбу ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тақдимномаси асосида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ва амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.

ЭЪЛОН!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси қошидаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 16 майдаги йиғилишининг 3/2007-сонли қарорига асосан Тошкент вилоят Бўстонлиқ туман «Имкон» адвокатлик бюроси раҳбари Аширов Ҳамидулла Ортиқовичнинг Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 1999 йил 29 июнда берилган ТS 000262 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси 6 (олти) ойга ТЎХТАТИЛДИ.

* * *

Тошкент вилоят адлия бошқармаси қошидаги адвокатура бўйича малака комиссиясининг 2007 йил 16 майдаги йиғилишининг 3/2007-сонли қарорига асосан Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан 2004 йил 17 августда Усмонов Наврўз Искандаровичга берилган ТS 000448 серияли адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияси БЕКОР ҚИЛИНДИ.

Gazetxon bekati

ҲАР СЎРОВНИНГ ЖАВОБИ БОР

Ўз ҳуқуқини билган одам йўлдан адашмайди. Қонун доирасидаги фаолият ҳар бир кишини ташқи таъсир, ножоиз хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилади. Ўз ҳуқуқ ва бурчларини яхши билган одамнинг наинки мавқеи, балки қадр-қимматига ҳам ҳеч бир куч салбий таъсир этмайди.

Қонун доирасидаги фаолият ҳеч кимни чекламайди, аксинча ишонч билан дадил ва илдам олға юришга ундайди, деганди файласуфлардан бири.

Оддий қилиб айттанда, ўзини ҳурмат қилган, иззат-икромини зиёда тутган одам ҳуқуқий жиҳатдан саводхонликка интилади.

Газетамиз ўқувчиларининг бундан кейин минбарига айланажак «Газетхон бекати» рукнида республикамизнинг турли вилоятларидан ҳуқуқий соҳада саволлар бераётган мухлисларимиз чиқиш қилишади. Биз билан мулоқотга киришишга чоғланган ҳамюртларимизнинг мактублари, телефон қўнғироқлари сира жавобсиз қолмайди. Биз билан мулоқотга киришинг...

РАҲБАР УСТИДАН ШИКОЯТ ҚИЛСАМ...

— Мен бир корхона бошлиғининг устидан юқори идорага шикоят билан мурожаат қилганимда, улар аризамни кўриб чиқиш учун ўша раҳбарнинг ўзига юборишибди. Қизиқ бўлдику, шунақа иш тутиш мумкинми?

М.ИМОМОВА,
Сирдарё вилояти

— Ўзбекистон Республикаси **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги Қонуннинг 17-моддасига кўра, фуқароларнинг давлат органига келиб тушган мурожаатлари ана шу органнинг ўзи ёки зиммасига мурожаатларни кўриб чиқиш вазифаси юклатилган мансабдор шахс томонидан кўриб чиқилади.

Фуқароларнинг мурожаатлари, агар улар қўйилган масалаларни ҳал этиш ваколат доирасига кирмайдиган давлат органига юборилган бўлса, узоғи билан беш кунлик муддат ичида тегишли органларга жўнатилади ва бу ҳақда фуқарога хабар қилинади. Мурожаатларни кўриб чиқиш учун бошқа давлат органларига асоссиз равишда бериш ёки қарори ёхуд ҳаракати устидан шикоят қилинаётган давлат органлари ёки мансабдор шахсларнинг ўзига жўнатиш ман этилади. Агар фуқароларнинг мурожаатларида уларни тегишли органларга жўнатиш учун зарур маълумотлар бўлмаса, бу мурожаатлар худди шу муддат мобайнида асослантирилган тушунтириш билан фуқаронинг ўзига қайтарилади.

ЁЛҒОН ЧАҚИРУВ УЧУН...

— Ёлғондан тез ёрдам хизмати чақирилса қонунчиликда жавобгарлик борми?

Қ.АБДУЛЛАЕВ,
Сурхондарё вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 199-моддасида милиция, ёнғинга қарши хизмат, тез тиббий ёрдам ва бошқа махсус хизматларни қасддан, алдаб чақирганлик маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳисобланади. Бундай ҳолатни содир этган ҳуқуқбузарга энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солиш назарда тутилган.

ТИББИЙ КЎРИК МАЖБУРИЙМИ?

— Никоҳдан ўтиш учун тиббий кўрикдан ўтишимизни талаб қилишди. Айтинг-чи, никоҳланувчи шахсларнинг бундай кўрикдан ўтишлари мажбурийми?

Ж.БОЗОРОВ,
Қашқадарё вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 августдаги 365-сон қарори билан тасдиқланган **«Никоҳланувчи шахсларни тиббий кўрикдан ўтказиш тўғрисида»**ги Низомга кўра, тиббий кўрикдан ўтиш, никоҳланувчи шахсларнинг фуқаролигидан қатъи назар, ФҲДЁ органлари томонидан рўйхатдан ўтказиладиган барча никоҳларга жорий этилади.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўриги уларнинг яшаш жойидаги психиатр врачлар, наркологлар, тери-таносил касалликлари врачлари, фтизиатрлар *(диспансер ва туман кабинетлари)* томонидан тиббий кўрик ўтказиш учун асос ҳисобланадиган ФҲДЁ органлари томонидан берилган йўлланма бўйича никоҳланувчилар тиббий кўрикдан бепул ўтказилади.

Тиббий кўрикдан ўтиш муддати никоҳланувчи шахслар тиббиёт муассасасига мурожаат қилган кундан бошлаб икки ҳафтадан ошмаслиги керак. Кўрикдан ўтаётган шахсга белгиланган шаклдаги алоҳида тиббиёт картаси юритилади. Унда кўрикдан ўтаётган фуқаронинг шахсини тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар ҳамда текшириш натижалари тўлиқ акс эттирилади.

Агар никоҳланувчи шахс ўз хизмати ёки иши турига кўра, муайян тиббиёт муассасасига бириктирилган бўлса, у мазкур муассасада кўрикдан ўтказилади.

Озодликдан маҳрум этиш муассасаларидаги шахсларнинг тиббий кўриги Ички ишлар вазирлигининг тиббиёт муассасаларида ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари билан никоҳланаётган чет эллик фуқаролар ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ўзларининг вақтинча яшаш жойида тиббий кўрикдан ўтадилар.

Текширилаётган шахс яшаш жойидаги даволаш-маслаҳат комиссиясининг хулосасига рози бўлмаган тақдирда, такрорий тиббий кўрик вилоят ва республика муассасаларида ўтказилиши мумкин.

Никоҳланувчи шахсларнинг тиббий кўрикдан ўтказиш ҳажми ва тиббий кўрикдан ўтиш тартиби юқоридаги Низом талаблари асосида амалга оширилади.

МЕҲНАТ ДАФТАРЧАСИ ЙЎҚОЛГАНДА



— Мен меҳнат дафтарчамни йўқотиб қўйдим. Бу ҳолатда меҳнат дафтарчаси тиклаб бериладими? Кимга мурожаат қилай?

О.ЖУМАНОВ,
Фарғона вилояти

— Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1998 йил 29 январь куни 402-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган **«Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»**ги йўриқноманинг IV бўлим, 4.1-бандига асосан, меҳнат дафтарчаси йўқотиб қўйилган тақдирда, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган *(йиртилган, ёнган, ёзувлари бўлган)* ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охирги иш жойидан берилади.

Меҳнат дафтарчасини йўқотган шахс бу тўғрида зудлик билан охирги иш жойига ёзма хабар бериши лозим. Хабарномадан сўнг 15 кундан кечиктирмасдан иш берувчи ходимга биринчи бети юқори қисмининг ўнг томонига «Дубликат» деб ёзган ҳолда янги меҳнат дафтарчасини беради.

Меҳнат дафтарчасининг дубликати умумий қоидаларга биноан тўлдирилади. Дубликат тўлдирилаётганида «Иши тўғрисидаги маълумотлар» бўлимида охирги иш жойидаги иши тўғрисидаги маълумотлар илгариги буйруқлар асосида ёзилади.

Янги меҳнат дафтарчалари *(дубликати)*ни беришда иш берувчи ходимдан Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган энг кам иш ҳақининг 10 фоизи миқдорида ҳақ ундириб олади.

Табиий офатлар ёки бошқа сабабларга кўра корхона томонидан ходимнинг меҳнат дафтарчаси йўқотилган тақдирда, ходимга меҳнат дафтарчасининг дубликати бепул берилади.

Саволларга ҳуқуқшунос Шерзод РАБИЕВ жавоб берди.

ЭЪЛОН!

Сурхондарё вилоят адлия бошқармаси Бандихон туман давлат нотариал идораси нотариуси лавозимига

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

Танловда нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари иштирок этишлари мумкин.

Танловда иштирок этиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:

1. Комиссия номига ариза;
2. Паспорт нусхаси;
3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;
4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал тасдиқланган нусхаси;
5. Нотариал фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиянинг нотариал тасдиқланган нусхаси;
6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.

Талабгор ўзининг касбий тайёргарлигини таърифловчи бошқа ҳужжатларни ёхуд уларнинг нотариал тасдиқланган нусхасини тақдим этиши мумкин.

Танловда иштирок этишни хоҳловчи фуқаролар эълон чиққан кундан бошлаб, бир ой давомида Сурхондарё вилоят адлия бошқармасига мурожаат этишлари лозим.

Мурожаат учун телефонлар: (8-376) 223-38-97, 223-37-69.

Munosabat

Дада, пул беринг, бильярдга бораман

Эрталаб наридан-бери нонушта қилиб, ишга шошаётган отанинг йўлини ўғил тўсди.

— Ўн кундан буён ишга эрта кетиб қоляпсиз, сизни тутолмаяпман. Ўртоқларим билан ҳар куни бир-икки соат бильярд ўйнаймиз. Ўйинда анча-мунча пул ютқазганман, қарзим кун аро туғяпти. Бугун қарзни қайтаришнинг охирги куни. Агар гапимнинг устидан чиқмасам, синфдошларим олдида бебурд бўламан, йигирма минг берсангиз бас, ҳам қарзимни узаман, ҳам бир-икки кун бильярд ўйнаб, омад келса, қилган харажатимни ўйинда чиқариб олишим мумкин.

— Борадиган жойинг бильярдхонами ёки қиморхонами? Мактаб ўқувчиси бўла туриб, ўқиш ўрнига кўнгилочар ўйинлар билан машғул бўлсанг, эртага қандай одам чиқади сендан, бу бир. Иккинчидан, сенга берадиган 20 минг сўм пулим йўқ. Қандай қимор ўйнаб ютқизган бўлсанг, шундай қилиб қарзингни уз.

Шунда орага она аралашди.

— Дадаси, ўғлингиз бебурд бўлмасин. 20 минг сўм бериб кета қолинг. Боланги ўксимасин.

Лекин ота сўзида қатъий турди. Ўғлига пул бермади. Чунки ҳали оғзидан она сути кетмаган ўспирин ярим кечада ичиб келиши, уйда фойдали иш билан шуғулланиш ўрнига, умрини бильярдхонада ўтказаётгани отага маъқул бўлмади. Ота пул бериш ўрнига ўғлини қаттиқ жазолади...



Яқинда Юртбошимизнинг **«Қимор ўйинларини ташкил этиш ва ўтказиш билан боғлиқ ноқонуний фаолиятнинг олдини олиш чоратадбирлари тўғрисида»**ги 608-сонли қарори, шунингдек, **«Алкогол маҳсулотлари билан чакана савдо қилишни янада тартибга солиш тўғрисида»**ги 605-сонли қарорлари қабул қилинди. Яширишнинг ҳожати йўқ, бугун мактаб болаларидан тортиб, ҳаттоки ёши бир жойга бориб қолган кишилар ҳам бўш вақтларини Интернет клублар, бильярдхона каби кўнгилочар жойларда ўтказиб, у ерларда ичкиликбозлик ва шунга ўхшаш номаъқул юмушлар билан шуғулланмоқдалар. Ушбу қарорларнинг бажарилиши юзасидан Нарпай туман Давлат солиқ инспекцияси ходимлари ҳам бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

— Инспекциямиз ходимлари яқинда Мирбозор қўрғонидаги Деҳқон бозори ҳудудида жойлашган бильярдхона фаолиятини текширди, — дейди биз билан суҳбатда Нарпай туман Давлат Солиқ инспекцияси бошлиғи Сафар Саъдиев. — Текширишлар жараёнида Анвар Абдиев ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда белгиланган қонун-қоидаларни кўпол равишда бузиб, ўзбошимчалик билан бильярдхона очгани аниқланди. Ходимларимиз Анвар Абдиевнинг бу хурмача қилиғига чек қўйди. Шунингдек, Оқтош шахри Имом Бухорий кўчасидаги 5-уйда яшовчи Лола Мадатова, Ислом Шоир ширкат хўжалигида яшовчи Жўрабек Қаҳҳоров, Қадим қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Уралтош Зайниддиновларнинг ноқонуний фаолият кўрсатаётган компьютер ўйингоҳлари фаолияти ҳам тўхтатилди.

Бундан ташқари, Мирбозор қўрғонидаги Миллий таомлар ошхонасининг ошпази Акмал Жўраев, Оқтош шаҳри истироҳат боғидаги ошхона мудираси Альфия Ҳасановалар белгиланган қонун-қоидаларни кўпол равишда бузиб, ҳеч қандай рухсатномасиз алкоголь маҳсулотлари билан савдо қилаётган пайтларида ушланиб, улар сотаётган ароқ маҳсулотлари мусодара қилинди, қонунбузарлар тегишли жазога тортилдилар.

Азим ҚОДИРОВ,
«Инсон ва қонун» мухбири

Тўғриси, мақолага бундай сарлавҳа қўйиш осон бўлмади. Зеро, аёллар ҳақида сўз борганда, аввало уларнинг гўзаллиги, меҳрибонлиги, оналиги тилга олинади. Уларни фариштага қиёслашади. Вафо ва садоқат тимсоли сифатида улуғлашади. Афсуски, бизнинг қаҳрамонларимиз ҳақида бундай фазилатларни айтишга тил бормайди...

Nomus va nadomat

Жанжалкаш «фариштА»лар



Беруний туман жиноят ишлари бўйича судида Гулпаршин Танабоева, Суаш Юсупова, Багира Избатаева, Манзура Зарипова (исм-шарифлар ўзгартирилган) ва Гулимбой Сапаровларга нисбатан иш кўрилди. Аёлларнинг барчаси ўттиз ёш атрофида, бир-биридан гўзал, сарвқомат. Саволларга ширинсуханлик билан жавоб беришга ҳаракат қилишди. Бир неча марта қилмишларидан пушаймонлигини айтиб, кечирим сўрашди. Аммо бошларини эгиб, мулойимгина бўлиб туришлари уларни жазодан сақлаб қололмади.

Манзура билан Гулпаршин Беруний тумани бозорида учрашиб қолишди. Бироз суҳбатлашишди-ю, аммо кўнгиллари тўлмади. Гурунгни уйда давом эттирмоқчи бўлиб, таксилар турадиган жойга келишди. Бу ерда таниш ҳайдовчи Гулимбойни учратишгани эса айни муддао бўлди. Унинг «Тико»сида кетаётиб, йўл четида турган Суаш Гулпаршиннинг диққатини тортди.

— Шу дугонамизниям олиб кетайлик, маза қилиб ўтирамиз, — деди у.

Машина бироз юргач, навбатдаги йўловчиларни олиш учун тўхтади.

— Бизни ҳам олиб кетасизми? — сўради қиз ҳайдовчидан.

Шофёр йўқ демоқчи эди, бироқ Гулпаршин орага тушди:

— Олиб кетамиз, ахир, булар эски қадрдонларимиз-ку! Шундай эмасми, Райҳон?

— Ҳа, — йўловчи қизлардан бири унга салом маъносида қўл кўтарди. — Тошкентдан яқинда қайтдим. Холамни кўриб кетай, деб Берунийга келгандим.

Райҳон шериги Багира билан машинадан жой олди.

— Бир жойда ўтириб овқатланмаймизми? — таклиф қилди у.

— Яхши бўларди, — қувватлашди аёллар.

— Қилчиноқда яхши балиқхона бор, — деди Гулпаршин. — Машинани ўша томонга ҳайданг.

Аёллар балиқхонада икки шиша ароқни пақ-қос туширишди. Ҳайдовчи эса пиво билан кифояланди. Ичига «шайтон суви» кириб, қизишиб олган аёллар ўртасида келишмовчилик бошланди.

—Сен, ярамас, фоҳишасан, — ўшқирди Гулпаршин Райҳонга. — Ҳаётимни заҳарладинг. Икки фарзандим сен сабабли етим бўлиб қолди.

— Аввал ўзингга боқ, кейин ноғора қоқ. Эринг билан юрган бўлсам нима қипти? Ўзинг ҳеч ким билан юрмайсанми?

Можарога қаҳвахона эгаси нуқта қўйди.

– Илтимос, ё жанжални тўхтатинглар ёки чиқиб кетинглар.

Аёллар қаҳвахонани бўшатишга мажбур бўлишди. Аммо Гулпаршин ҳали ўзини босиб олмаганди.

– Машинани холи жойда тўхтатинг, — тайинлади у ҳайдовчига. — Бу ярамаснинг таъзирини бериб қўяман. Сизлар ҳам менга ёрдам берасизлар.

Спиртли ичимлик ичиб, ақлу ҳушидан жудо бўлган аёллар ҳам уни қўллаб-қувватлашди.

— Тўғри қиласан, — таъкидлади Суаш. — Бундайларнинг таъзирини бериш керак.

Машина овлоқ жойда тўхтади.

— Энди уришасанми? — Гулпаршин Райҳонга ўдағайлади. — Қани, бир кучингни кўрсат-чи?

— Ҳа, уришаман, — бўш келмади Райҳон.

Иккала аёл бир-бирининг сочидан тортиб, юмдалашиб кетишди.

Суаш аввалига уларни ажратмоқчи бўлди. Буни эпломагач, можарога ўзи ҳам аралашди. Райҳоннинг кофтасини йиртиб олди. Манзура билан Багира уларни базўр ажратиб олишди. Райҳоннинг юзларини ювишди. Багира унга ўзининг кофтасини берди.

— Бу нима қилганинг, — Гулпаршин кофтани юлиб олди. Райҳоннинг туфлиси, сумкасини ҳам тортиб олди. Бу ҳам етмагандек, Райҳоннинг бошига яна бир урган эди, у ерга юз тубан йиқилди. Кейин Гулпаршин билан Суаш аёлнинг тилла тақинчоқларини ечиб олишди.

— Нимага унинг тарафини оласизлар? — қичқирди Гулпаршин. — Кетмоқчи бўлганлар мен билан юрсин!

Учала аёл дарров унга эргашиб, машинага минишди. Дугонасини яланғоч ҳолда овлоқ жойда ташлаб кетишаётганидан Багиранинг виждони қийналмади.

Машина узоқлашди. Райҳон шу йиқилганича ярим тунда ҳушига келди. Қараса, йўл четида яланғоч ётибди. Бир километрлар нарида ёниб турган чироққа кўзи тушди. Судралиб уй томонга келди. Эшиклардан бирини тақиллатди. Уй эгалари яланғоч аёлни кўриб қўрқиб кетишди ва эшикни қулфлаб олишди. Навбатдаги уйдан бир келинчак чиқди. Райҳон унга ёлвора бошлади.

— Илтимос, бир кеча шу ерда қолай, мени талаб кетишди.

— Сени уйга киритолмайман, — деди келинчак. — Аммо қўйлак ва кўрпача бераман.

Райҳон кўйлакни эгнига кийиб, кўрпачани қўлтиқлаганича бир муддат дайдиб юрди. Сўнг яна ҳушидан кетди...

Пароканда турмуш кечириш, ичкиликка ружу қўйишнинг оқибати ҳеч қачон яхши бўлмаган. Бир гуноҳ иккинчисини чақиради, деганларидек, шармандалик ботқоғига ботган инсоннинг ундан чиқиши қийин. Юқорида тилга олинган аёллар фожиаси, жиноят ҳам бунинг исботи. Улар енгил ҳаётни танламай, тинч-хотиржам турмуш кечирганларида, бирон касб-ҳунарнинг бошини тутганларида эди, бу қадар тубанлашмаган бўлишармиди...

Қилмиш-қидирмиш. Ақли ҳушини йўқотиб, уятдан мосуво бўлган аёллар ва уларга хизмат қилган такси ҳайдовчиси жазога тортилди.

Зухра РАҲМОНОВА,
Жиноят ишлари бўйича Беруний туман суди раиси

Муҳаббат — улуғ туйғу. Унинг таърифи ҳаёт пайдо бўлгандан бери тўла-тўкис изоҳини топмаган. Дунё адабиётининг «сочини оқартирган» бу буюк тушунча ҳар бир қалбда ўзига хос тарзда шаклланади, инсонни илоҳий маъволар сари парвоз қилдиради, руҳиятига бетимсол кенгликлар бахшида этади, хулласи, инсонни заминдан осмону фалакка олиб чиқади. Муҳаббатнинг илоҳийлиги ҳам, куч-қудрати ҳам шунда.

Аёл гўзаллиги олдида не-не саркардалар, фозилу донишмандлар таъзим қилмади, дейсиз. Улуғ шоиримиз айтгани каби: «Гўзалликнинг олдида ахир, чўкка тушган ҳатто худолар...».

Қуйида сирли, ҳанузгача инсон фарзанди қалбида ҳаяжон уммонини тўлқинлантираётган, гоҳ шодлик, гоҳ қайғу тимсолида унинг ҳаётида ўчмас из қолдирадиган — муҳаббат тушунчасининг қувончу ташвишлари ҳақида тарихий ҳақиқатларни акс эттиришга ҳаракат қилдик.

Ҳамкасбимиз, журналист Иззат АҲМЕДОВ *томонидан тайёрланган дунёга довруқли машҳур шахслар тақдирини буриб юборган муҳаббат ҳақидаги лавҳалар сизни бефарқ қолдирмайди, деб ўйлаймиз... Ушбу рукнда кўплаб даҳоларнинг муҳаббати ҳақида мунтазам равишда мақолалар бериб бориш ниятимиз бор.*

Buyuklar muhabbati

Икки шоҳ маликаси



Гўзал Клеопатра — Мисрнинг илоҳий маликаси...

У бундан икки минг йил илгари яшаган. Унинг шуҳрати нурлари йиллар қаъридан ҳали-ҳануз жило бериб турибди. Клеопатра ўттиз тўққиз йил умр кўрган бўлса-да, ана шу қисқа умри давомида энг буюк одамлардан икки нафарининг муҳаббатини қозонди. Булар — Марк Антоний ва Юлий Цезар эди. Кейингисининг исмини биз кўп тилга оламиз. Чунки Цезар ўша даврда деярли бутун дунёни забт этган ҳукмдор эди. Буюк ҳукмдорни хушбичим гўзал Клеопатра таслим эта олди.

Милоддан аввалги 48-йилда Цезар Искандарияга юриш қилади. Бу пайтда Клеопатра тахтдан маҳрум этилган, барча маблағларидан мосуво бўлиб, ҳаёти ҳам хавф остида эди. Ўзаро низолар туфайли амакиваччаси Клеопатрага зуғум қилиб, уни Қоҳирага қувганди.

Ночор қолган Клеопатрани Цезар ўз қошига чорлади. Лекин Искандария амакисининг айғоқчилари билан тўла бўлса, қандай қилиб у ёққа бориш мумкин? Гўзал ва тадбиркор Клеопатра шаҳарга балиқчилар қайиғида келиб тушди. У хизматкорига ўзини гиламга ўраб, чодиргача кўтариб боришни, Цезарнинг қошидагина гиламни очишни буюрди ва шундай бўлди ҳам.

Гиламдан сакраб турган Клеопатра хандон ташлаб кулиб, зал бўйлаб рақс туша кетди. Унинг ўхшаши йўқ қадди-қоматини кўриб, ҳайратдан оғзи очилиб қолган Цезарнинг вужуди жунбушга келди.

«Мана буни соҳибжамол деса бўлади! Рақсни қанчагача давом эттираркин? Нима учун Римда бундай гўзаллар топилмайди?»

Сочи сийраклаша бошлаган Цезар 44 ёшга кирган, Клеопатра эса 21 га етиб-етмаган, жўшқинлигу куч-қуввати айни барқ урган пайти эди. Цезар уни кузатиб турар экан, юрагининг туб-тубида уйғонаётган бир ҳисни сезди. Эҳтироси ва ақли билан Клеопатра Цезарни бир умр қўлга айлантириб қўйганди.

Клеопатрани амакиси ўлдирмоқчи бўлгани учун Цезар маъшуқасининг душманига яхшигина сабоқ бериб қўйишга азму қарор қилди. Рим легионларига қўмондонлик қилган Цезар Миср армиясини тор-мор қилди. Клеопатранинг амакисини эса Нил дарёсига чўктириб юборди.

Клеопатра энди фиръавнларнинг мулкида ягона маликага айланди.

Бетимсол гўзаллик соҳибаси Цезарга ўғил ҳадя этди. Бироқ Цезар Римдаги хотинини ташлаб, Клеопатрага уйлана олмас эди. Бўлажак жанжалнинг олдини олиш ва ўғлининг қонуний ҳақ-ҳуқуқларини тиклаш учун Клеопатра ажойиб ҳийла ишлатди. У жарчиларга Юлий Цезар башар наслидан эмас, балки илоҳий — қуёш худоси маликага фарзанд ато этиш учун Цезар тимсолида ерга ташриф буюрган, дея эълон этишни амр қилди. Бу чўпчакка, Миср халқи чиппа-чин ишонди. Мазкур воқеалардан сўнг бироз ўтгач, Цезар ўлдирилди. Табиатан жиззаки, ҳамиша маст юрувчи, қарздан боши чиқмайдиган Марк Антоний Рим империяси тахтини эгаллади.

Миср Шарқнинг энг бой мамлакати эди. Антонийнинг сафдошлари унинг ҳушёр бўлган даҳиқаларида «Кел, Искандарияга йўл олайлик. Клеопатрани ўлдириб, Миср қонининг таъмини тотиб кўрайлик», дея бежиз айтишмаган эди.

Буни эшитиб, Клеопатра титраб кетди. У Антонийни нима билан тўхтатиб қола олиши мумкинлигини ўйлади. Кема ёки қиличлар биланми? Асло. Муҳаббат биланми? Бўлиши мумкин. Клеопатра Антонийда гўзал таассурот қолдириш учун унинг қаршисига олтин билан зарҳалланган кемада пешвоз чиқди. «Минг бир кеча»даги ҳашам ва улуғлик уфуриб турган ёш-ёш болакайлар маликани товус патлари билан елпиб ўтиришарди. Энг нафис либосга ўранган канизаклар дилўртар куйлар жўрлигида хиром қилишарди. Ана шу шарқона гўзаллик оғушида, ипаклар билан безалган тахтда худди муҳаббат худоси – Венера янглиғ Клеопатра ўтирарди. Ҳатто Антонийнинг оёқлари бод билан оғриб, ошқозони азоб бераётган бўлса ҳам бу аёлнинг карашмаларига дош беролмади.

Антоний қўпол, дағал аскар бўлиб, аёллар билан жуда ёмон муносабатда бўлар эди. Аммо унинг қаршисида нафосат ва гўзаллик соҳибаси Клеопатра турарди. Унга бўлган эҳтирос Антонийнинг юрагига гўзаллик ва нафислик олиб кирди.

Клеопатра эркаклар билан қандай муомала қилишни биларди. У Антонийнинг инжиқликларига эътибор қилмай, ҳар бир истагини бажо келтирарди. Клеопатра у билан ошиқ ўйнарди, ов ёки балиқ овида ҳамроҳ бўларди. Хизматкор кийимини кийиб, тунги кўчалар бўйлаб сайр қиларди, турли шайтонликларни ўйлаб топарди. Бир куни балиқ овида Антоний қармоғига ҳеч нарса илинмаётганидан шикоят қилади. Шунда Клеопатра хизматкорга сувга шўнғиб, Антонийнинг қармоғига тузланган балиқ илиб чиқишни буюради. Клеопатра Антонийнинг овқатланишига алоҳида қайғурарди. Унинг ошпазлари Антоний хоҳлаган пайтда иссиқ овқатларни муҳайё қиларди.

Антоний Клеопатра таъсирида ақлу ҳушини йўқотди. Унга бутун денгиз бўйларини, вилоятлардан бирини, кейинроқ эса Кипр ва Крит ороллари инъом этди. Империянинг бутун Осиё қисми Клеопатрага тақдим қилиниши Антоний сахийлигининг энг чўққиси бўлди.

Ушбу хотамтойликлар охироқибат римликларни ғазабга келтирди. Ахир, қачонгача вазият шу тарзда давом этиши мумкин? Наҳотки, жангу жадаллару, қанчадан-қанча одамлар қони эвазига қўлга киритилган ҳудудлар худди ўйинчоқ каби мисрлик маъшуқанинг инжиқликлари учун қурбон қилиб юборилса? Бу каби саволларга урушдан жавоб топишди. Клеопатранинг даври ўз хотимасини топди. Ғазабга келган римликлар Антоний ва Клеопатранинг кемалари кулини кўкка совуришди, қўшинларини тор-мор этишди.

Ишқий саргузаштдан ташкил топган империя поёнига етганди. Антоний боши танасидан жудо этилишини сезиб турарди. Шунинг учун у ўзига тиғ санчиб, Клеопатранинг қўлида жон берди. Ҳаёти унинг оғушида гуллаганидек, сўнгги дамда ҳам унинг оғушида сўнди.

Клеопатра эса заҳар ичишга қарор қилди. Буни қандай қилиб амалга оширганини эса ҳеч ким билмайди. Ўлимидан йигирма дақиқа кейин уни топганлар ҳам бу сирни ошкор этолмадилар.

Баъзилар у ўзини тишлаб, сўнг у ерга илон заҳрини юборган, деб ҳисоблашади. Бошқаларнинг таъкидлашича, унга жўнатилган гул тўла саватда илон бўлган ва у кўксини шу газандага тутган. (Миср асотирларига кўра, илон заҳридан топилган ўлим боқийлик бахш этармиш).

Марк Антоний билан Клеопатра Мисрда дафн этилган. Қабрлари айнан қаердалигини эса ҳалигача ҳеч ким билмайди.

Самарқанд вилоят адлия бошқармаси жамоаси бошқарманинг Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими катта маслаҳатчиси

Қаҳрамон ХАЙРУЛЛАЕВнинг

бевақт вафоти муносабати билан унинг оила аъзоларига чуқур таъзия билдиради.

ИНСОН ва ҚОНУН

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

1996 йилнинг январидан нашр этилади

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

Бош муҳаррир: Қўчқор НОРҚОБИЛ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдуллаев Ихтиёр Бахтиёрович, Ражабова Мавжуда Абдуллаевна, Аҳмедов Абдуҳалим Абдураимович, Рахмонов Абдукамол Шодиевич, Махмудов Лазизжон Мирзаевич, Содиқов Хуршид Махмасиддиқович, Мустафаев Бўритош Мустафаевич, Ҳамроев Ислом Ҳамзаевич

Навбатчи: Аслиддин СУЮНОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Фарҳод ХЎЖАНАЗАРОВ

Индекс: 646882

«ИНСОН ВА ҚОНУН» газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Буюртма Г-415. Тиражи — 4098.

Босишга топшириш вақти — 21.30 Топширилди — 16.00

МАНЗИЛИМИЗ: 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50

e-mail: inson_va_qonun@mail.ru

1 2 3 4 5